

ТАРАҚҚИЁТ, ФАРОВОНЛИК ПЙДЕВОРИ

(Боши 1-бетда)
Меҳнат муҳофазаси бўйича касабга уюшма кўмиталарнинг комиссиялари ва ваколатли вакилларнинг фаолиятини кучайтириш, уларни ўқитиш ва малакаларини ошириш масалаларига жиддий эътибор берилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича касабга уюшма ваколатли вакилларнинг сони қарийб бир ярим баробарга ошди, 4200 нафарга етган, уларнинг 3700 нафарга яқини эса ўқитиш, малакаларини оширилган, 86 мингдан ортиқ иш жойлари аттестациядан ўтказилган.

Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича касабга уюшма органларининг ҳаракат тартиби ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилиниши қорхона ва ташкилотлардаги қарздорликнинг бартараф этилишида ижобий рол ўйнамоқда. Касаба уюшма органлари томонидан ҳаракат тартибида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 35962 миллион сўмлик иш ҳақидан қарздорлик бартараф этилди. 2004 йилда нефт-газ sanoati бўйича иш ҳақидан қарздорлик 3921,6 миллион сўмга, энергетика sanoati бўйича - 154,9 миллион сўмга, кимё sanoati бўйича - 1916,4 миллион сўмга камайтирилишига эришилди. Бугунги кунга келиб иш ҳақидан муддатга ўтган қарздор-

лик деярли тугатилди. Ўз навбатида тегишли тармоқлар ва ҳўжалик органлари билан ҳамкорликда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва унинг рағбатлан-тирувчи ролинини кучайтириш, иш ҳақининг қафо-латланган қисми, яъни тариф қисмини ошириш, энг кам иш ҳақи миқдорини ошириб бориш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. На-тижада нефт-газ, энерге-тика ва кимё sanoati бўйича энг кам иш ҳақи миқдори бугунги кунга келиб, республикада бел-гиланган миқдордан 3-4 баробар ортиқ бўлишига эришилди. Уртача ойлик иш ҳақи эса 130-140 ми-нинг сўмни ташкил қилмоқда. Конституциянинг 40-моддасида ҳар бир инсон малакали тиббий хизмат-дан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги қафолатлан-ган.

Касаба уюшмалари фа-олиятида ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш муҳим вазифалардан ҳисоблана-ди. Бундай мақсадлар учун бугунги кунда тармоқ тизимидagi 12 та санато-рий-профилакторий, 2 та тиббий-санитария қисми ва қатор даволашни муас-сасалари, 21 та болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бир йилда жамоа шартнома-лари орқали турли даволаш-соғломлаштириш муасса-саларида 24 миң нафар-га яқин ходим ўз саломат-

ликларини тиклади. Бо-лалар оромгоҳларида эса 23 миң нафардан ортиқ болалар соғломлаштири-либ, белгиланган режа ортиги билан бажарили-шига эришилди.

Бугунги кунда ходим-ларнинг Бош Қомуси-ламизда белгиланган ижти-моий-иқтисодий ҳуқуқла-ри ва манфаатларини таъминлаш, фаолиятини ошириш Президентимиз Ислол Каримов бошчи-лигида ижтимоий-иқтисо-дий ва маънавий жаб-ҳаларда олиб борилаёт-ган ислохотлар талаб-лари мувофиқ равишда ташкил қилиш ҳамда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остидаги улуғвор ишларни амал-га ошириш учун ҳуқуқий негизи, имкониятлар ва асослар тўла-тўқис я-ратилган.

Эндиликда ҳамма гап яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмаларининг IV Ку-рултойида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва қабул қилинган қарор-лардан келиб чиққан ҳолда ана шу ҳуқуқий замин, имкониятлар ва асослардан оқилона фой-далана олишимизда қол-ган.

Алишер ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Ёшлар
энергетика
комплексни, кимё
sanoati ва геология
ходимлари касаба
уюшма Марказий
Кенгаши раиси

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди.

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 4-моддаси

Бош Қомусимизда жаами дунё-вий кадрятлар орасида энг улуғи инсон деган фикр илгари сурилган бўлиб, шу орқали фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги муносабатлар ўзининг ҳуқуқий ечимини топади. Зотан, донишмандлар эътироф эт-ганларидек, дунёнинг яратилиш моҳияти ҳам инсондир. Шу боис бу ёруғ оламдаги барча неъматлар ин-сон учун, унинг ҳаёти, камоли учун хизмат қилади. Ҳазрати инсонни эса бу ёруғ оламда тили, дини, миллати, тугилган заминидан қатъи на-зар одамийлик туйғуси бир-бирига яқинлаштириб, дўсту биродар, ҳам-қору ҳамнафас қилади. Шу сабаб инсоният бир қисмат - ягона Ер усти ва ягона Кўёш остида ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлади. Мустақил юртимиздаги маъвуд барча қонунлар ўзаги ҳисобланган

Конституциямизда халқ манфаати ифода этилиб, барча эркинликларга эга эканлиги эътироф этилади. Зо-тан, она Ўзбекистонимиз кўпмиллат-ли давлат бўлиб, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги мамлакатимиз мустақил-лигининг энг катта ютуғидир. Мазкур тамоийиллар Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан 8-мод-дада Ўзбекистон халқини, миллати-дан қатъи назар, Ўзбекистон Респу-бликасининг фуқаролари ташкил эта-ди, дейилган.

Шу маънода юртимизда ҳукм су-раётган тинчлик-ҳотиржамлик, мил-латлараро тотувлик, диний баргекен-лик шу заминда яшаётган барча халқлар вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлик туйғуларини мустаҳкам-лашда асосий мезон ҳисобланади. Президентимиз айтганларидек, Ўзе-бекистоннинг бойликлари кўп, лекин

бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликдир. ...Бош Қомусимизнинг 4-моддаси-да шундай дейилади: Ўзбекистон Рес-публикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг

та мактабда қорақалпоқ, 318 та мак-табда тожик, 64 та мактабда туркман, 56 та мактабда қирғиз тилларида таъ-лим берилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, халқимизга хос дўстлик ришталари мустаҳкамла-ниб, турли миллатларга мансуб фу-қароларнинг мамлакатта ном берган

ҚУДРАТЛИ

тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди. Мазкур талаблар мамла-катимизда қатъий амалга оширилмоқ-да, - дейди республика Байналмилал маданият маркази директори Насрид-дан Муҳаммадиев. - Айни кунда Ўзе-бекистон фуқаролари ҳисобланган тур-ли миллат ва элат вакиллари Консти-туцияда ва қонунларда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликлар-дан фойдаланмоқдалар. Республика-мизда яшаётган кўп сонли миллат ва-киллари ўз она тилларида ўқиш им-кониятига эга. Жумладан, 762 та мак-табда рус, 581 та мактабда қозоқ, 376

Ўзбеклар билан тенг ҳуқуқлилиги таъ-минланди. Бу тенглик эса Бош Қо-мусининг 18-моддаси орқали қафолат-ланади ва республикаимизда барча фу-қаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинлик-ларга эга эканлиги, жинси, ирқи, мил-лати, тили, дини, ижтимоий келиб чи-қилиши, этникаси, шахсий ва ижтимо-ий мавқеидан қатъи назар қонун ол-дида тенглиги белгилаб қўйилган. Ўзбекистон халқини ташкил этувчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакил-лари биргаликда янги демократик дав-лат қуриш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисо-дий ислохотларни изчил давом эт-тиришда шароитий мақсадни рўёбга қиаришда фаол иштирок этмоқдалар.

ҚАЛБДА ИШОНЧ, ИШТИЁҚ БЎЛСА

Мулқдорлик қадимдан кишиларнинг жамиятдаги иқтисодий мақомини белгилаб келган. Табиат неъматларини ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни қонуний тарзда ўзиники қилиб олиш мулкка бўлган ҳуқуқларни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республика-си Конституциясининг 36-моддасига асосан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилан-ган. Қонунда таққиланма-ган ҳар қандай моддий бойликларга, ашёларга, неъматларга эга бўлиш ҳуқуқини беради. Мулк со-ҳибининг ёши аҳамиятсиз. У хоҳ катта ёшли киши бўлсин, хоҳ воғга етмаган бола бўлсин мулкдор бўлиш ҳуқуқни конституци-явий норма орқали қафо-латланади. Лекин бу мул-

қдор ўз тасарруфидаги мол-мулкдан қўнглига сиққани-ча фойдаланиши керак де-гани эмас. Асосий Қонуни-мизнинг 20-моддасида фу-қаролар ўз ҳуқуқ ва эркин-ликларини амалга ошириш-да бошқа шахсларнинг дав-лат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур ет-казмасликлари шарт экан-лиги кўрсатилган.

Агар мулкдор ўз ҳуқуқидан фойдаланиш қо-ғида ўзгаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этади-

ган ҳаракатларни содир этадиган бўлса улар суд ёки тегишли органларга мурожаат этишга ҳақли-дилар. 43-моддада дав-лат томонидан фуқаролар-нинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлан-ган ҳуқуқлари ва эркинлик-ларининг таъминланиши белгилаб қўйилган. 44-моддада эса ҳар бир шах-сга ўз ҳуқуқ ва эркинлик-ларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамо-ат бирлашмаларининг гай-риқонуний хатти-ҳаракат-лари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи қафолат-ланади.

Д.ҚОБҲУЛОВА

БҮЮК

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофазат этилишини қафолатлайди.

53-модда

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

40-модда

Эндигина йигирма бир ёшга кирган келинчақ - бўлажак онанинг аҳоли шифокорларини ташвишга солиди. Унинг кўз ёришига ҳали йил-йил беш кун вақт бор. Турғуннинг хатарсиз туғилишига ишонч кам эди. У шошилинч равишда Сирдарё вилоят касалхонасининг турғуққа тайёрлаш мажмуасига келтирилди. Шифокорларнинг малака ва маъорати тўғайли аёл саломатлиги тикланиб, чақалоқ эсон-омон дунёга келди.

Вилоят шифохонасининг турғуқ мажмуасида асосан оғир асоратли ҳомиладор аёллар даволаниб, турғуққа тайёрланади. Мажмуа бехатар оналик ва перенатал касалликларнинг олдини олиш, туғиш ёшидаги аёлларни исталмаган ҳомиладан сақлаш ва аёлларни соғломлаштириш бўйича ташкилий-методик марказ ҳисобланади. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун мажмуа зарур жарроҳлик, ультратовуш ва шошилинч нархоз воситалари билан таъминланган. Сихат-саломатлик йили муносабати билан мажмуа бўлимлари жорий ва капи-

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

тал таъмирдан чиқарилди. Етарли даражада дори-дармонлар билан таъминланди.

миз туманларда бўлиб, 1 миң 621 нафар аёлни тиббий қўриқдан ўтказишди.

528 нафар аёлнинг сало-матлиги ахширилди. Шунингдек, йил боши-дан бери туғилган барча ча-қалоқлар вирусли гепатит, сил, полиомиелит хасталик-ларига қарши эмланди. 2 миң 929 нафар чақалоқда скрининг текширувлари ўтказилди. Хуллас, мажмуа шифокорлари аёлларга ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш, турғуннинг хатар-сиз туғиши учун маъвуд им-кониятлардан унумли фой-даланмоқда.

(ЎЗА)



Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари ўтказилди.

ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИБ

Мамлакатимиз раҳба-ри Ислол Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси ўр-ганини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши-га мувофиқ, таълим мас-канларида Бош Қомуси-мизни ўрганиш бўйича янги педагогик техноло-гиялар жорий қилинди, - дейди Тошкент вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош-лиги Ҳасан Ибрагимов. - Ҳуқуқшунослик фани хона-лари замон талаблари да-ражасида жиҳозланиб, Конституцияга оид кўрғаз-мали материаллар билан бойитилди.

Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-ларини ҳимоя қилишдаги ўрни, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини яна-да юксалтириш, уларда фаол фуқаролик хусуси-ятларини шакллантириш, Бош Қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳия-тини кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ҚАРИГАНДА ҚЎЛЛАСИН

Кексалик умрнинг ниҳоятда нозик фасли ҳисобланади. Негаки, одам кексайгани сайин куч-қувватдан қолиб, бировлар меҳр-шафқатига, гамхўрлигига, бошқача айтганда, ҳимоясига муҳтож бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам азалий одатимизга кўра ҳар биримиз кексайганда сунъий бўлар деган умидда фарзанд ўстирагимиз, улғайиб ишимизни давом эттирсин, деб уларга яхши таълим-тарбия берамиз.

Мустақиллик эса биз қарияларнинг ҳурмати-мизни жойига қўйди. Бугун биз нурунийлар-нинг манфаатларимиз давлат ҳимоясиди. Адо-латли қонунлар нуру-нийлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Конституциямизда эса ҳар ким қариганда, меҳнат лаъқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутил-ган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги қафолатланган. Умри далада кетмон чопиб, пахта териб ўтган мен-дек ёши улуғлар бугун ҳуқуқимизни гамхўрли-гидан баҳраманд, қари-лик гаштини суриб не-варалар ардоғида яшаб юрибмиз. Аммо замона-мизнинг шиддат билан ўзгариши, бугун ёши етмишдан ошган мен-дек нурунийни ҳам эл-

эдим. Аммо тиккан сўза-на ва кашталаримни қишлоқдошларимдан бошқа ҳеч қим билмас-ди. Шундай ажайиб ҳунарим хор бўлаётган эди. Шу боис аввал 5 нафар қизга ҳунар ўрга-тишга киришдим. Шо-гирдларим сафи кенгай-гач, кичик қорхона оч-дим. Йил ўтмай қорхо-намиз доврўғи тумани-мизга йилди. Хатто қўшни туманлардан ҳам

Ҳар ким қариганда, меҳнат лаъқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.


39-модда

нига барака қўшишга астойдил бел боғладим. Небараларим, фарзанд-ларим (ҳа, айтганча 11 фарзандимнинг бари олий маълумотли, ўз касбининг фидойилари) ёнимга киришди. Мен-дек умри далада ўтган аёл учун 1 гектар боғни парварши қилиш унча мушкул эмас-да. Шу боис Қадимий Шофир-дон каштачилигини тик-лашга аҳд қилдим. Чун-ки ўзим яхши каштадўз

тиккан каштаимизга ха-ридорлар кўпайди. Кей-инчалик буюртма асоси-да ишлашга ўтдик. Ҳаракатда барақат, де-ганларидек, ишимизга қараб даромадимиз ҳам кўпайди. Кам таъмин-ланган, кўп бўлали оилалар, ногирон ва хасталарга имкон қадар ёрдам ююштирдик. Мак-таб, боғча, шифохона-ларга мадад қўлимизни чўздик. Хуллас, ишла-римиз юришгани сайин

ҳунаримизга меҳр кўйган шогирдлар сафи ҳам кўпайди. Ай-никса, кўп болали, но-чор оила қизларини ўзим тарғиб қилиб қор-хонамизга олиб кел-дим. Уларга касб-хунар ўргатиб, ризки бутун бўлишига сабаб-чи бўлдим. Шогирд қизларим ҳунар ўр-ганиб, ўз ишларини бош-лашларига оқ йўл бер-дим. Бугун ўзлаб шо-гирдларим ҳунар орқ-асидан рўзгорларини о-бод қилаётганларини кўриб қувонаман. Бу-ларнинг бари, муста-қиллик шарофатидан эканлигини дилдан ҳис қиламан. Бўлмаса мен-дан ҳам чевар бўлган онам, бувимнинг ҳуна-ри ўз оиласидан таш-қарига чиқмаган. Мен эса ҳунарим билан элга нафим тегди. Бу-нинг яна бир сабаби юртимизда тадбиркор-ликка кенг йўл очил-ганидир. Жорий йил-нинг ўзида бу борада Президентимизнинг фармонлари ва қарор-лари қабул қилиниши, Конституциямиз яшаёт-гани, амал қилаётгани шарофатидандир.

Ҳ.САЛИМОВА,
«Мохирун-Шахноза»
кичик қорхонаси
раҳбари



БАХТЛИ ОНЛАР НАШИДАСИ

Намангандаги 15-умумтаълим мактаб-интернатиди миллионлар йўлини - футболга ишқибоз ўсириллар таъ-лим олади. Бу ёрда Конституция кўни арафасида маз-кур санага бағишланган «Маънавият ва маърифат» ви-лоят кенгаши, «Соғлом авлод учун» хайрия жамағармаси ва «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ходимлари би-лан қувчиларнинг ўрнатилиши бўлиб ўтди.

Мактаб тарбияланувчилари меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асослари ҳақидаги билим-ларини намойиш этиб, улар учун кўрғазмали спорт чи-қишлари ўтказди.

Республика миллий матбуот марказида «Ўзбекистон Респу-бликаси Конституцияси ва қонунлари - истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясининг қафолати» мавзусида касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқитувчиларининг семинар-конференцияси бўлиб ўтди.

Семинарда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-ли (Омбудсман), Истеъ-молчиларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш фе-дерацияси мутахассис-лари ҳамда Тошкент Давлат юридик институ-тининг профессор-ўқитувчилари ўз маъру-залари билан иштирок этди.

МЕЪЁРИЙ ҲУҲЖАТЛАР НАФИ

Биз барчамиз истеъ-молчимиз. Кундалик тур-мушда савдо дўконига кирганимизда ҳам, жа-моат транспортига чиқ-қаннимизда, ошхонага ҳўранда сифатида таш-риф буюрганнимизда, умуман товарлар сотиб олганимизда ҳам истеъ-молчи ҳуқуқларидан фойдаланамиз. Қўпича ўз ҳуқуқларимизни бил-маганимиз сабабли тур-ли муаммоларга дуч ке-ламиз.

- Ҳуқуқий демократик жамиятни, - дейди юри-дик фанлари доктори, профессор О.Оқюлов - юксак ҳуқуқий маданият-ли фуқароларга кура-ди. Фуқароларимиз то-монидан истеъмолчи оид ҳуқуқлари юзасидан тур-ли муассаса ва ташки-лотларга бўлган мурожа-атлар ҳозир ҳам етарли. Бу эса фуқароларимиз-да ўз ҳуқуқларини би-лишга бўлган интилиш ортиб бораётганидан да-лолат беради.

Истеъмолчи ҳуқуқла-рининг устуворлиги Асо-сий Қонунимизда ўз ифодасини топган. Кон-ституциянинг 53-модда-сида истеъмолчилар-нинг ҳуқуқлари қафо-латланган. Конституция-миз асосида 1996 йил 26 апрелда «Истеъмол-чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-да»ги қонун қабул қилинган. Тинг-ловчиларга юқоридagi меъёрий ҳуқуқий ҳуж-жатлар тўғрисида маълумот берилди. Семи-нар кизгин баҳс-муноза-раларга бой бўлди. Ишти-роқчилар ўзларини ҳақиқатдан, кундалик ҳаётда учрайдиган ма-салалар юзасидан бе-рилган саволларга жа-воб олдилар.
Д.КАМОЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

Шуни кувончлик, уларнинг барчаси Конституцияда эътироф этилган ҳуқуқ ва қоидалардан фойдаланишмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз миллий маданияти, удумлари ва анъаналарини ривожлантириш имкониятига эга. Юртимизда кўплаб миллий маданий марказлари, кам сонли миллатлар тилларида

ридаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий кадрларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш ишларини изчил давом эттириш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Бу эса ўз навбатида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзига хос қадрият ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришида муҳим омил бўлди. Натيجада 1991 йилда бор-йўғи 10 тага яқин бўлган миллий-маданий марказлар сони 2004 йилга келиб бир неча баробарга кўпайди. Бу эса ҳар бир халқ ва миллатнинг этник ўзига хослиги, тили, урф-одатлари, анъаналарини сақлаб қолишда муҳим рол ўйнаб, турли миллат ва киллари учун тинч-осойишта ҳаёт, эртанги кунга ишончинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

КУЧ

таълим бериладиган мактаблар фаолият кўрсатиб, газета, журнал ва китоблар нашр этилаётгани, телекўрсатувлар ва радиосиёҳатлари эфирга берилаётгани Бош Қомусимизнинг нақадар ҳаётийлигидан далolat бермоқда. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлидаги фидокорона меҳнати учун қорақалпоқ, тожик, рус, украин, корей, араб ва қозоқ миллатига мансуб юртдошларимизнинг "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони ва Олтин юлдуз нишони билан тақдирлангани эса бу борадаги эзгу ишларнинг исботидир. Мустақилликнинг дастлабки йилла-


Марказ томонидан амалга оширилган эзгу ишлардан бири фуқароларда ягона Ватан туйғусини уйғотиш, "Ўзбекистон - ягона Ватан" деган гоани синдиришдир. Негаки, Ватан тараққиёти ва қудрати эса фуқароларнинг мақ-

сад ва интилишларига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистон байналмилал маданият маркази бу борадаги эзгу ишларни ривожлантираётган дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик қўрғонига айланиб бормоқда. Уни бугун турли миллат фарзандларини бирлаштирувчи "Дўстлик уйи" десак асло муболага бўлмайди. Бу ерда алоҳида дастур асосида мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашув ва дўстлик кечалари ўтказиш анъанага айланган. Аини кунда Конституциямиз ташкил топганининг 13 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон - умумий уйимиз" дўстлик ва маданият фестивалининг якуновчи босқичига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилаётганда. Ушбу фестивалнинг биринчи босқичи йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилди. У миллий маданий марказларнинг бадиий хаваскорлик тўрақларида фаолият кўрсатаётган истеъдодли ёшларнинг кашф этиди. Голлибарнинг гала концерти 10 декабр кунини Алишер Навоий номидида Академик катта театр биносидан ўтказилди.

А.КОДИРОВА

ҲАЁТ ҚОМУСИ

Мустақил мамлакатимизда байрамлар кўп. Ана шу байрамларнинг энг нуфузлиларидан бири - давлатимиз Конституцияси қабул қилинган кун десак асло муболага бўлмайди. Ҳадемай мамлакатимиз ҳудудида, ҳар бир шаҳар, кишлоқ, маҳаллада, кўйингки ҳар бир оиллада Конституция кунини нишонланади. 13 йилдирки, биз учун асосий дастуруламал - ўз Конституциямиз ва шу Конституция асосида қабул қилинган қонунлар амал қилмоқда.



Бош Қомусимиз - мустақиллик меvasи, эркинликнинг ифодаси, шу билан бирга жамиятда барқарорлик, тинчлик, товулик ва ҳамжихатлик рамзидир. Конституцияга амал қилар эканмиз, биз Ватан равнақиға, унинг истиқлолига, буюк келажигига хизмат қилган бўлаемиз. Зотан, Президентимиз илгари сурган беш тамойил мазмунида ҳам Конституцияга, қонунларга ҳурмат, уларга риоя этиш, амал қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис Конституциямиз ҳуқуқ ва эркинликнинг тамойили бўлиши билан бирга фахр-ғуруримиз ҳамдир. Уни юрак-юрақдан англаш, севиш, унга илос ва эътиқод қўйиш эса барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Зотан, Конституциямиз адолат ва ҳақиқат рамзи бўлиб, унда фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари билан бирга уларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган.

Мехнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини устувор ҳимоячиси ҳисобланган, энг оммавий ташкилот - касабаси уюмлари Федерацияси Кенгаши ҳам меҳнат аҳлининг Конституциямизда белгиланган ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялайди ва касабаси уюмлари абзорларининг меҳнат қилиши, иш шaroити ва иш ҳақи тўловлари билан бирга саломатлиги, дам олиши, оиласи, фарзандлари ҳақида гамхўрлик қилишини фаолиятнинг бош мезони деб ҳисоблайди. Зотан, Бош Қомусимизда ҳам касабаси уюмлари зиммасида «ҳодимлари ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этишлар» деган шарафли, шу билан бирга масъулиятли вазифа юклатилган.

КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАГУВЧИ ИЛМ

касбаба уюмлари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда имзоланаётган битимда ўз асосини топмоқда. Бугунги кунда касабаси уюмлари ижтимоий мулоқот доирасида давлат органлари, иш берувчилар, нодавлат ташкилотлари билан конструктив шерикчилик алоқаларини ўрнатганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонун барчага баробар, шу билан бирга фуқаролар учун қалқон, адолат посбонидир. Қонунийликни таъминлаш эса демократик давлатнинг бош мақсади ҳисобланади. Фуқаролар манфаатларига таалуқли биронта қонун лойиҳаси қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш қўнқималарини тарбиялаш, одамлар ташаббуси ва интилишини рағбатлантириш асосий мезон ҳисобланади. «Инсон қадрини ҳар нарсадан улуг»

манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касабаси уюмлари фаол иштирок этмоқдалар. Маълумки, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартафат этиш бўйича Федерация Кенгаши бир қатор ишларни амалга оширди. Иш ҳақи тўловларидан энг йирик қарздорликка йўл қўйган қорхоналар бўйича мониторинг ўрнатилди. Биргина ўтган йили иш берувчилар олдиға 4447 та талабнома қўйилиб, 23,7 миллиард сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва банкларға 1166 та муружаат қилиниб, 10,8 миллиард сўм, прокуратура органлариға 232 та муружаат қилиниб 3,2 миллиард сўм, шунингдек, судларға киритилган 94 та даъво аризалари бўйича 2,2 миллиард сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Конституция ва қонунлар устувор бўлган жойдаги ривожланиш, тараққиёт бўлиб, фуқаролар рисоладагидек ҳаёт кечиришади. Эро, файласуф Афлотун айтгандек, «Илмлар ичида инсонни қомилликка етказадигани ҳуқуқ илмидир». Ҳуқуқ илми эса Конституциядан бошланади.

манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш ва такомиллаштиришда касабаси уюмлари фаол иштирок этмоқдалар. Маълумки, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартафат этиш бўйича Федерация Кенгаши бир қатор ишларни амалга оширди. Иш ҳақи тўловларидан энг йирик қарздорликка йўл қўйган қорхоналар бўйича мониторинг ўрнатилди. Биргина ўтган йили иш берувчилар олдиға 4447 та талабнома қўйилиб, 23,7 миллиард сўм, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва банкларға 1166 та муружаат қилиниб, 10,8 миллиард сўм, прокуратура органлариға 232 та муружаат қилиниб 3,2 миллиард сўм, шунингдек, судларға киритилган 94 та даъво аризалари бўйича 2,2 миллиард сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Конституция ва қонунлар устувор бўлган жойдаги ривожланиш, тараққиёт бўлиб, фуқаролар рисоладагидек ҳаёт кечиришади. Эро, файласуф Афлотун айтгандек, «Илмлар ичида инсонни қомилликка етказадигани ҳуқуқ илмидир». Ҳуқуқ илми эса Конституциядан бошланади.

Ш.РАЖАББОВА

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг Конституцияси аввало унда истиқомат қилувчи халқ иродаси, манфаатлари, руҳияти, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида акс эттиради. Адолатли жамият барпо этилаётган мамлакатимиз Конституциясида ҳам инсон, унинг оиласи, шаъни, кадр-қиммати, соғлиги, ҳақ-ҳуқуқлари, бурчи ўз ифодасини топган. Зотан, 13 йилдан бери адолат ва ҳақиқат тимсоли сифатида ҳаётимизда акс этаётган Бош Қомусимиз Ватанимиз тарихи-

ОИЛА - ЖАМИЯТ УСТУНИ

да янги саҳифа очди. Унда жамиятнинг барча бўғинлари, жумладан, асосий бўғини бўлган оила, унинг жамият ривожига аҳамияти ва ўрни ҳақида ҳам янгича қарашлар илгари сурилган. Қолаверса, Конституциянинг қатор моддаларида акс этган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қоидалар оилавий муносабатларға бевосита боғлиқдир. Эро, оила жамиятдан узилган ҳолда яшай олмайди. Шу боис, Асосий Қомусимизда жамиятнинг устуни бўлган оила масаласига алоҳида

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.


Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси

МУАЛЛИМ ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Бу йил туманимиз мактабларида катта қурилиш ва янгиланишлар билан эса қоладиган йил бўлди. Масалан, 23-26-мактаблар капитал таъмирланди. Қолганлари жорий таъмирдан чиқарилди. 4- ва 14-боғчалар тўлиқ газлаштирилди. Кейинги йилда ҳам бунёдкорлик ишлари кенг қўлама давом этади. Жумладан, 11-мактабнинг 1930 йилда қурилган биноси ўрнида янги катта кўтарди. 1970 йилда бунёд этилган икки қаватли эса капитал реконструкция қилинади. Янги стадион барпо этилади. Кишки мавсумга жиддий ҳозирлик кўрдиқ. Негаки, аёзли кунларда муаллим ўғил-қизларға яхши сабоқ



бериши, ўқувчиларни дарсни тўлиқ ўзлаштиришининг биринчи шартини синфхоналарнинг иссиқ ва шинам бўлишидир. Шуни ҳисобға олиб барча тадорикни қўриб қўйдик. Қўмир билан иситилган 12 та мактабға етарли микдорда ёқилғи ғамлан-



ди. 889 тонна ёқилғи усти ёпилган алоҳида омборларда сақланмоқда. Ёнғин хавфсизлиги чоралари қўриб қўйилган. Ҳадемай кишки таътил кунлари бошланади. Ўқитувчи ва ўқувчилар уни кўнгидагидек ўтказишлари учун тадбирлар белгиладиқ. Авлочи ўқувчилар пойтахтимиз ҳамда мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатға боришади. Барча мактаб ва мактабгана тарбия муассасаларида Янги йил байрами нишонланади. Кишинтойларға хомийлар савгалари топирилади. Саломатлигини тиклаш лозим топилган ўқитувчиларға эса сикатгоҳларға қисқа муддатли даволанишға имтиёзли йўлланмалар уюштирилди. Бир сўз билан айтганда устоз ва мураббийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда давлатимиз томонидан яратилаётган барча имкониятлардан фойдаланиб, таълим ҳосидидаги илоҳотларнинг амалға оширилишида биз ҳам камбарбастамиз.

Э.ЛАХАНОВ, Куйи Чирчик тумани халқ таълими бўлими мудир

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАР

Навоий шаҳридаги Марказий спорт мажмуасида Ички ишлар вазирлиги идоралари ҳодимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган қўл жанги бўйича мамлакат чемпионати бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 22 жамоа иштирок этди. Қизгин курашларға бой бўлган мусобақалар миллия ходимларнинг куч-қудрати, малака ва маҳорати йилдан-йилға ўсиб бораётганлигини кўрсатди. Бир ҳафта давом этган беллашуларда Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг ўлғи баланд келди. Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ва Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар идоралари вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларға сазовор бўлди.

А ДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Конституциямизнинг 37-моддасида "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир" дейилган. Бу қоида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 28-моддаси ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар халқаро Пактининг 6-8-мод-



далари мазмуниға мос келадир. Шунингдек, Асосий Қонуниимизда инсон қадрини олий қадрият сифатида эъозланган. Инсон манфаатлари давлат манфаатидан устун туриши муҳрлаб қўйилган. Бу эса унинг ҳаётийлигини таъминлаш, йилдан-йилға Конституциямизға бўлган халқнинг ҳурматиини оширмоқда. Мен «Сурхондарё телеком» филиалининг капитал қурилиш бўлимида бухгалтер бўлиб ишлардим. Касбини жуда севағиним бошга ҳамшиша сидқидилдан ишлашға ҳаракат қилганман. Аммо мени шат қисқариши баҳонаси билан ноқонуний ишдан бушаттишди. Вилоят касабаси уюмлари ташкилотлари бирлашмасига бўлғур ҳодимлар билан биргаликда шикоят эзиб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларимиз поимол қилинаётганини баён этдик. Ҳуқуқий ишлар бўлими томонидан шикоят ҳатимиз ўрғанилиб, унда кўрсатилган барча ҳолатлар ўз тасдиқини топди. Хуллас, яшиллар шaroфати билан адолат ўрнатилди, ишға тикланди. Аини пайтда қадрдон жамоамда меҳнат фаолиятини давом эттирайламан.

Ф.КОМОВА, Сурхондарё вилояти

